

Хуршид РАСУЛОВ:
«ОҚ ЙЎЛ»ЛАРНИ
ОҚЛАШИМ КЕРАК!



5
Нилуфар РАСУЛОВА:
ДУНЁНИ БАРИБИР
ЎЗАММИК ҚУТҚАРАДИ!



6
ТЎЙДАН
КЕЙИНГИ
“ТОМОША”

8
КИМ ҚИЛМАГАЙ,
КИМ ТОПМАГАЙ



Оқил ҒУЛОМОВ
(ЎзА) сурат-лавҳаси

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

ЭЪТИРОФ

29 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

Парвиз Морвиж, Нью-Йорк давлат университети профессори, “Глобал илмий нашрлар” маркази директори (АҚШ):

— Ўзбекистон Республикаси Президентлиги га бўлиб ўтаётган сайлов жараёнини бевосита кузатиб, бу сиёсий тадбирга мамлакатда жуда катта тайёргарлик кўрилганига ишонч ҳосил қилдим. Буларнинг барчаси мамлакатингизда Президент сайловининг очиқлик, ошкоралик, адолатлилик тамойилларига тўла мувофиқ, халқаро стандартларга мос ҳолда ўтишини таъминлайди.

Аҳмад Тарабик, Қоҳира университети-нинг Осие тадқиқотлари бўйича маркази директори ўринбосари (Миср):

— Шундай муҳим тадбир халқингизнинг севимли айёми — Наврўз байрами кунларига тўғри келганида ҳикмат, хосият бор, деб ўйлайман. Мен ҳам кўпчилик халқаро кузатувчилар қатори пойтахтингизда ўтказилган байрам тадбирида иштирок этдим. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз байрами билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Муҳаммад Жаъфар Сиддик, ёзувчи, публицист (Индонезия):

— Ўзбекистон тинчликсевар сиёсати ва юксак тараққиёти билан дунё эътиборини тортмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилишининг ёрқин намунасидир. Зеро, Ўзбекистон халқининг Ватан тақдири, унинг янада ривожланишига дахлдорлик туйғуси юқоридир. Президент сайлови юксак даражада ўтишига ишонаман.

САБР ВА МАТОНАТГА СУЯНГАН ҚИЗ

Ўн саккиз ёшида вилоятнинг биринчи рақамли теннисчиси номига сазовор бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган муваффақият. Қарашлари тийрак, юз-кўзларидан ғайрат-шижоат ёғилиб турган Сарвиноз Саидхўжаевани бугунги кунда нафақат Фарғона вилоятида, балки республикамизда ҳам яхши танишади. Катта теннис бўйича ўтказилаётган мусобақаларда у ўзининг галабага бўлган интилишини, иқтидорини намойиш этиб келмоқда.

Айни пайтда Фарғона олимпия захиралари коллежининг 3-босқичида тахсил олаётган Сарвиноз болалигидаёқ спортнинг катта теннис турига меҳр қўйди. Эзгуликларнинг бари энг аввало оиладан бошланади, деганларидек, унинг чемпионлик сари интилишларини ота-онаси — Собирхўжа ака ва Барнохон опа ҳамда яқинлари ҳаммиша қўллаб-қувватлашди.

— Болалигимда онам вақтини аямай, ўзлари келиб, мен иштирок этган мусобақаларни эринмасдан кузатиб ўтирар, мени галабага руҳлантирарди, — дейди қаҳрамонимиз. — Бизларни кўпчилик ҳурмат билан “Спортчилар оиласи” дейишади. Сан-жарбек акам ва укам Муҳаммадризо ҳам теннис бўйича мамлакат ва ҳалқаро турнирлар голиби. Бизнинг би-

ринчи устозимиз дадамизнинг ўзларидир. Ҳозирги эришган ютуқларимда эса устозим Румиль Галиевнинг алоҳида хиссаси бор. Шунингдек, коллежимиз раҳбари Илхом Турсуналиев бизни мусобақаларда қатнашиб, голибликни қўлга киритишимиз учун рабатлантириб турадилар.

Сарвиноз 2011-2014 йилларда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатларида голибликни қўлга киритиб, 4 карра мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. 2012 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё кубогида республикамиз қизлари терма жамоасининг муваффақиятли иштирокига ўзининг муҳим оқолари билан улш қўшди. 2010-2011 йилларда Малайзия, Таиланд ва Исроил давлатларида, 2013 йил Бангладешда, 2014 йилда эса Малайзияда ўтказилган халқаро турнирларда 1-ўринни эгаллаб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

— Катта теннис спортчидан галаба сари сабр ва матонат билан интилишни талаб этади, — дейди Сарвиноз. — Малайзияда ўтган халқаро турнирда хитойлик теннисчи қиз билан уч соат беллашдик. Ҳаво жуда иссиқ бўлишига қарамай, гоҳ унинг, гоҳ мениннг қўлим баланд келарди. Ниҳоят мениннг омадим чоғиб, голиб бўлдим. Шу пайтгача ўтказган мусо-

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ



бақаларим орасида анча қийин кечган ва мен учун катта сабоқ бўлган ютуқ ҳам шу эди.

Сарвиноз фақатгина теннис билан шуғулланиб қолмай, енгил атлетика машғулотларига ҳам қатнашади. Унинг қизиқишлари ва меҳнатлари бесамар кетмади. У 2015 йилда маданият йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ деб топилди.

— Бугунги кунда биз ёшларга имкониятлар эшиги кенг очилган. Буни спортнинг катта теннис тури жадал ривожланиб бораётганлиги мисолида ҳам айтишимиз мумкин, — дейди Сарвиноз. — Яна бир нарсага эътиборни қаратиш керакки, нуфузли халқаро турнирларда, мусобақаларда голибликка эришаётган чемпионлар орасида қизлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан далолат беради.

Ширинхон МЎМИНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

ДАРОМАД-КУ ЯХШИ, ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ-ЧИ?!

Бугунги кунда жисмоний шахслар томонидан ўтган йилда асосий бўлмаган иш жойлари ва бошқа манбалардан олинган даромадларини декларациялаш айна кизгин жараёнда кечмоқда.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаш тизими фуқаролардан йил давомида олинган даромадга солиқни тўғри ҳисобланишини, амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини ҳамда даромад солиғидан бериладиган имтиёзлар тўғри қўлланишини таъминлашдан иборат. Агарда, даромад солиғидан имтиёзга эга бўлган фуқаролар йил давомида асосий иш жойи бўлмаган манбалардан даромад олган бўлсалар, уларга имтиёзлар декларацияни тақдим этиш вақтида солиқ органлари томонидан қўлланилади.

Давлат солиқ органларида жисмоний шахслар даромадларини декларация асосида солиққа тортиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан жорий этилган “Солиқ декларацияларини қайта ишлаш” компьютер дастурий махсули орқали амалга оширилмоқда. Дастурий махсулдан унумли фойдаланиш ва маълумотларнинг электрон базасини шакллантириш ҳамда декларацияларни автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш тизими йўлга қўйилган.

Шунингдек, солиқ тўловчилар учун Давлат солиқ қўмитасининг расмий “www.soliq.uz” сайти орқали кўрсатилаётган интерактив хизматлари доирасига “Жисмоний шахслар учун” бўлимидаги “Электрон солиқ декларациялари” хизмати ҳам қиради. Ушбу интерактив хизмат орқали жисмоний шахслар электрон ҳужжат кўринишидаги солиқ декларацияларини автоматлаштирилган ҳолда шакллантиришлари ҳамда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда туман давлат солиқ инспекцияларига бормасдан интернет тармоғи орқали жўнатиш имконияти мавжуд.

Бунинг натижасида декларация тақдим этаётган фуқароларимиз ортиқча қорғозбликдан ва маълумотларни тўплаш ишларидан озод этилиб, уларнинг қимматли вақтлари тежалди. Бир сўз билан айтганда, солиқ тўловчига ва солиқ идоралари ходимларига ҳам катта қулайликлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги

Қонунида жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича ҳам ўзгартиришлар киритилган.

Жумладан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 2015 йил 1 январдан бошлаб ушбу солиқни ҳисоблашда энг кам иш ҳақининг бир бараваригача “0” даражали ставкани назарда тутувчи тўрт поғонали (2014 йилда 3 поғонали бўлган) солиқ ставкаларини қўллаш тартиби жорий этилди. Бунда, солиқ ставкалари даромаднинг бошқа гуруҳлари бўйича 2014 йил ставкаларига нисбатан бир фоизли пунктга оширилди.

Яъни, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 2015 йил 1 январдан бошлаб ўсиб боровчи тартибда солиқ солинадиган даромаднинг энг кам иш ҳақининг бир бараваригача “0” фоиз, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан (+1сўм) беш бараваригача миқдорга — 8,5 фоиз, беш бараваридан (+1сўм) ўн бараваригача миқдорга — 17 фоиз ва ўн бараваридан (+1сўм) ва ундан оқори миқдорга — 23 фоиз ставкада қўлланилади.

Солиқ солинадиган даромадлар гуруҳлари бўйича солиқ солиш шкаласи йил бошида — 2015 йилнинг 1 январидан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан (118400 сўм) келиб чиқиб аниқланади ҳамда энг кам иш ҳақи миқдори йил давомида ўзгарганда қайта кўриб чиқилмайди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашдаги ушбу ўзгаришлар авваламбор бошқаларга нисбатан даромади кам бўлган фуқароларга кўпроқ наф беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликда солиқ декларациясини белгиланган муддатдан кечиктириб тақдим этган шахсларга нисбатан маъмурий, шунингдек, қўшимча ҳисобланган солиқни ўз вақтида тўламаган шахсларга нисбатан эса молиявий жарималар қўллаш кўзда тутилган.

Шу сабабли, декларация топшириши лозим бўлган жисмоний шахслар ҳисоботнинг якуний санаси 1 апрелгача яшаш жойларидаги солиқ органларига жами йиллик даромадлари тўғрисида декларацияни тақдим этишлари ҳамда ҳисобланган солиқларни эса жорий йилнинг 1 июнига қадар тўлашлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Азизбек ТАГАЕВ,
Тошкент шаҳар Яққасарой
туман ДСИ бошлиғи биринчи ўринбосари.

Обод манзиллар

АҲИЛЛИК ВА ТОТУВЛИК ҲИКМАТИ

Навий шахридаги “Кимёгар” маҳалласи нафақат вилоятнинг, балки республикамизнинг намунали маҳаллаларидан бири десак, муболага бўлмайди. Боиси, бу гўшада ёшларнинг меҳнатсевар, ватанпарвар, билимдон ва касб-хунарли бўлиб вояга етишларида ёшу қарининг ҳамжиҳатлиги, аҳиллиги асосий омил вазифасини ўтамоқда.

Сал кам олти минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган мазкур маҳалла аҳлининг аксарияти кўп қаватли уйларда яшайди. Худудда Навоий қончилиги ҳамда Навоий техника иқтисодиёт коллежлари ва уларнинг ётоқхоналари жойлашган. “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” тамойили асосида олиб борилаётган ишлар яхши самара бермоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳомий ташкилотлар билан биргаликда худуддаги мактаб ва коллежлар ўқувчиларини мунтазам рағбатлантиришни йўлга қўйган.

— Ўтган йили “Энг намунали маҳалла” кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичларида 2-ўринни, республика босқичида 1-ўринни қўлга киритдик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўктам Мирзаев. — Маҳалламизнинг бугунги ободлиги, хонадонлардаги фаровонлик ва муваффақиятларимизнинг бари аҳолининг ўзaro аҳиллиги ва ҳамжиҳатлигидандир. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия нафисалари бўйича маслаҳатчимиз Нафиса Шернаеванинг худуддаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда “Отам, онам ва мен”, “Спорт — соғлом турмуш гарови”, “Оғоҳликка давват”, “Ёш умрингни хазон қилма” каби мавзуларда ташкиллаштириётган тадбирлари, давра суҳбатлари ва



учрашувларда маҳалла фаоллари, ёшлар, касб-хунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам фаол иштирок этади. Бундай самимий мулоқотларнинг натижалари худуд инфратузилмасининг ривожига ҳамда аҳоли турмуши фаровонлигини юксалишида намоён бўлмоқда. Маҳалламизда замонавий бино ва иншоотларнинг қад ростлашида Навоий конметаллургия комбинатининг ўрни бе-ниҳоя катта.

Эътиборли томони шундаки, ўтган йили бу жойда жиноятчилик, маҳалла муҳитига салбий таъсир этувчи нохуш ҳолатлар содир этилмади. Айни пайтда ҳам маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли хавфсизлиги, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича назорат ўрнатилганлиги вояга етмаганлар билан ишлаш ва турли нохуш ҳолатларнинг олдини олишида асосий омил бўлаяпти.

Маҳалла фуқаролар йиғини ва фаоллари хар кун хонадонларда бўлиб, оилавий низоларнинг олдини олиш, ёшларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш чораларини кўришади. Юзага келган муаммолар ўз жойида бартараф этилмоқда.

Аҳмадjon РИХСИБОВ,
“Оила ва жамият” мухбири.
Суратни Рашид ГАЛИЕВ олган.

“БИЗЛАРДАЙИН ҚЎША ҚАРИНГ!”

дейди каттакўрғонлик 92 ёшли Расул ота
ва 87 ёшли Санам ая

...Норбуви бугун ҳам одатдагидек, тонг сахарда уйғонди-да, урушни бошлаган қаттолларга минг ланталар ўқиди. Сўнг кўзларида ёш билан шоша-пиша кеча тайёрлаб қўйган нон, майиз, туршакларни халтага солиб, Самарқандга яёв йўлга чиқди. ҳаммаёқ алғов-далғов. Эл нотинч, одамлар хавотирда. Оталаридан ёш етим қолган икки ўғли — Муҳаммад ва Расул вояга етгани учун ҳарбийга чақирилган бўлиб, ака-ука биргаликда шаҳар ҳарбий гарнизонида бир ойдан буён фронтга жўнаш олди синовларидан ўтаётган эди. Она бечора ҳафтада бир марта кўзининг оқу қораларини кўрмоқ учун Каттакўрғондан сахармардонда жўнаб, дуч келган уловга илиниб, шом туша бошлаган маҳал зўрга кўҳна шаҳарга етиб келади. Ва болалари дийдорига тўймоқ умидида ҳарбийларга ялиниб-ёлвориб улар билан кўришишга рухсат сўрайди. Она-болалар сахаргача гурунглашиб ётишади. Ниҳоят, нуридийдалари урушга жўнаб кетади.

Орадан кўп ўтмай, тўнгич фарзанд Муҳаммаддон Шодиевдан 1942 йилда “қора хат” келади. Бу шум хабар онаизорни ҳолдан тойдирди. Туну кун кўзларидан ёш аримайди. Аммо инсон зоти ҳар қандай азоб-уқубатга чидар экан. Норбуви опа Худого йиғлаб нола қиларди: “Бири-ку пешонамга сифмади, ҳеч бўлмаса Расулжонимни ўзинг асрагин, ой бориб, омон қайтсин. Ундан ҳам айрилсам, менинг чиромини ким ёқади?”. Онанинг охи Аллоҳга етдими, ёки тақдирида бор эканим, Расул Шодиев Ўзбекистонга, волидаи муҳтарамаси бағрига қайтди.

Ўғлим урушдан соғ-омон қайтиб келса, элдошларимга тандир-тандир нонлар улашаман деб ниёт қилган Норбуви опа хандакка кўмиб, яшириб қўйган маккажўхори ва бугдойни тегиримондан ўтказдириб, ўша эзгу ваъдасини адо этди. Тасаввур қилиш

мушкул, ахир ўйланг, ўша қахатчилик йилларида ҳам эридан, ҳам фарзандидан жудо бўлган бир муштипар бева аёлнинг бу саховати аслида жуда катта саово эди...

Расулжон бўлса даҳшатли талотумдан қайтиб келган куннинг эртасиёқ Каттакўрғон сув омбори қурилиши охирида қолган посёлкада ошпазлик қилиб, оилани тебратишга киришди. Кунларнинг бирида ҳўжа-



лик райиси Ёвқоч ака фронтчи йигитнинг олдига излаб бориб: “Ўғлим, бу иш сенга ярашмайди. Ким айтади сени, урушда қон кечиби, Берлингача борган деб, қани олдимга туш-чи, бугундан бошлаб, бригадада ишлайсан”, деб қишлоққа қайтариб олиб келди. Энг қизиғи, Ёвқоч ака ва Жума тоғалари энди уни уйлантириш ҳаракатига тушиб қолишди. 1947 йилда Санамхон билан тақдири боғланди. Шундан кейин сергайрат Расул дастлаб бригада, кейин участка бошлиғи, раис муовини ва пенсияга чиққанидан кейин эса маҳалла оқсоқоли сифатида фаолият кўрсатди. Бу ахил оилада беш ўғил, уч қиз дунёга келди. Бугун ҳаммаси бахтли-тахтли.

— Болажоним, илтимос, фақат мендан уруш ҳақидаги гагмин хотираларни сўраманг, эсласам юрагим эзилади, — дейди бугун ўзининг кутлуг 92 баҳорини ёруғ юз билан

Юз билан юзлашганлар

қаршилаётган Расулжон ота чуқур ҳўрсиниб. — Яхшиси, Аллоҳ раҳмат қилгур, ота-оналаримиз кўролмай кетган дорилмон замонлардан гапирайин, сиз эшитинг. Оддий мисол, Тошкент ёки Самарқандни кўяверинг, ўзим яшаётган Каттакўрғондаги ўзгаришларни кўриб, кўзларимга ишонмайман. Йўллар, янги уйлар, ҳашаматли бинолар, тўйхонаю бозорларни айтинг, ўттиз йил аввал шундай янгиликлар бўлишини ким ҳам ўйловди, дейсиз. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидан-да.

Бир-бирига қоялар янглиг суяниб, дилдош бўлиб умргузаронлик қилиб келаётган Расул бобо ва Санам моларга ҳаммининг ҳаваси келади. Бу хонадондан ҳар куни меҳмон аримайди. Танишми, бегонами, зиёрат қилгани келганларни чол-кампиру дуо қилади, алқайди. Ўзларига ўхшаб қўша қаришларини тилайди.

87 ёшни тўлдираётган Санам ая Ботирова бўлса камгапчилиги боисми, қисқа, лўндагина тарзда: “Биз кўрган кунлар энди эртаққа айлансин, ёшларга инсоф, кексаларга иймон ҳамроҳ бўлсин”, деб кўяди самимий оҳангда. Сўнг биров тин олиб: “Фарзандларимиздан кўнглимиз тўқ, тўғрими, бари эл хизматида. Фақат тўнгич ўғлимиз, отасининг издоши эди раҳматли, Кўчқоржондан айрилиб қолганимиз қаддимизни биров букиб қўйди-да”, дея кўзларига ёш олди. Расул ота бўлса соддалик билан: “Дагаржонни биларсиз-а, пойтахтда яшайди, олим йигит (Ушбу мақоланинг ёзилишида яқиндан кўмак берган фалсафа фанлари номзоди, Тошкент автомобиль-йўллар институти доценти Дагар Расуллов назарда тутиляпти — муал.), умридан барака топсин, узокда бўлсам ҳар доим йўқлаб туради. Муяссар қизим ҳозир пенсияда, Далибек йўлсоз, Валибек бўлса коллежда автомобиль соҳасидан дарс беради, Гаффоримиз фермер, кенжа кизларимиз Дилбар ва Раҳималар уй бекаси. Яна саналмаган, айтилмаган кимлар қолди, кампир?” деганда, онахон кулимсираб, ҳазил аралаш: “Данагидан мағзи ширин-ку, неварачевараларни-да, ҳисоби етмишга бориб қолди-ёв, хатто деварамиз ҳам бор, ишонсангиз”, деди суюниб.

Моҳинур ҚОДИРОВА.

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Бешқайрағоч” маҳалласи аҳли меҳр-муруват ва қадим қадриятларимиз тимсоли бўлган боқий байрам Наврўзи оламни кўтаринки руҳда нишонлашди.

— Маҳалламизда етти миллатга мансуб етти мингга яқин аҳоли 1232 та оилада истиқомат қилмоқда, — дейди “Бешқайрағоч” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўткир Ҳайдаров. — Шундан уч юз элликдан зиёд 65 ёшдан ошган нурунийларимиз бор. Ҳар йили хайит айёмларида, Наврўз, Халқаро хотин-қизлар куни ва бошқа байрамларда кекса ёшдаги маҳалладошларимизни зиёрат қилиш, баҳоли кудрат совға-салом улашиш аъянага айланган.

— Бу қадимий байрам кечасига етмиш беш ёшгача бўлган маҳалладошларимизни таклиф қилдик, — дейди “Бешқайрағоч” МФЙ бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раиси Манзура Раҳматуллаева. — Чунки кечагина 85-90 ёшли кексаларимизни уйларида бориб, зиёрат



қилиб келдик. Бундан ташқари, худудимиздаги учта мактабда ҳар йили мучал ёшини қаршилаётган болажонларимизни ҳам кутлашни қанда қилмаймиз. Мақсадимиз ёш авлод қалбиде миллий қадриятларимиз ва ўлмас аъяналаримизга меҳр-муҳаббатни сингдиришдир. Бу борада ёшларга тўқсон ёшни қаршилаётган Ўғилдай ая ва Зоҳид ота Худойбердиевлар, Лутфихон ая ва Убайдулла ота Абдуллаев ва бошқа нурунийларнинг ҳикматли ўғитлари, ҳаётлари мактаб, десак муболага бўлмас.

Шунингдек, “Нурунийлар” жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан Олмазор туманидаги 9-сонли кўптармоқли поликлиникада ҳам меҳнат фахрийлари, нуруний отахон ва онахонлар иштирокида ўтказилган байрам тадбири кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Лазиз НАВРЎЗОВ.

Касбини дилдан севган инсон унинг барча машаққатларига елка тутиб яшашдан бир олам завқ олади. Агрофидагиларга керак эканини ҳис этиб, яна-да жон куйдириб ишлашга ҳаракат қилаверади. Ана шундай ёниқ қалб соҳибаларидан бири Андижон шаҳридаги “Ҳамид Қодиров” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Замирахон опа Абдуллаевадир.

Бир неча йиллар таълим тарбия соҳасида самарали фаолият юритган бу аёл бугун бир маҳалланинг ҳам су-

янчи, ҳам маслаҳатчисига айланиб, маҳалладошлари қувончига шерик, дардига малҳам бўлишга интилиб яшапти. 1975 йили Андижон тиллар педагогика олийгоҳини тамомлаган Замирахон опа бир қатор масъул лавозимларда фаолият юритган. 2011 йилдан буён эса “Ҳамид Қодиров” МФЙ маслаҳатчиси вазифасини сидқидилдан адо этиб келади.

— Маҳалламизда уч ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 1580 нафари хотин-қизлардир. Хар бирининг юрагига йўл топиб, зарур пайтда ёрдамимизни аямасликка ҳаракат қиламиз. Маҳалладошларимнинг барчасини ўз оила аъзоларимдек

қадрлайман. Кам таъминланган, маслаҳатга муҳтож ва ишсизликдан қийналаётганларнинг барчасига имкон қадар ёрдам бериб келмоқдамиз, — дейди Замирахон опа. — Бу ерда 472 та хонадон, 690 та оила бўлиб, уларнинг тўй-маъракаси, эҳсонлари ҳамжихатликда ўтказилади. Маросимларни камчиқим, ортиқча дабдабасиз ўтказишга ҳаракат қилмаймиз. Яраштирув комиссиясининг фаолияти ҳам мактовга арзигулик. Биргина ўтган йил сарҳисоби бўйича маҳалладаги нотинч ўндан ортиқ оилалар тикланди.

Саломатлик, оилага кириш, таълим-тарбия, жиноятчилик профилактикаси ҳамда

бандлик секторлари бўйича қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жиноятчилик профилактикаси сектори бўйича худуд нозир Ақмалжон Ҳамроқулов билан узвий ҳамкорликдаги тадбирлар яхши самара бераётир. Вилоят миқёсида ўтказилаётган қатор семинар, тарғибот-ташвиқот ишларида мазкур маҳалла тажрибаси намуна сифатида эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Кувончли жиҳати, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова Андижонга ташриф буюрганида “Ҳамид

ҚУВОНЧГА ШЕРИК, ДАРДГА МАЛҲАМ

Маҳалла маслаҳатчилари

Қодиров” маҳалласининг фидойи маслаҳатчиси Замирахон Абдуллаева фаолиятига юқори баҳо берган эди. Замира опа турмуш ўртоғи билан уч нафар фарзандни қамолга етказиб, элга нафи тегадиган қилиб тарбиялаганидан фахрланади. Унинг очик чеҳраси, агрофидагиларга бўлган дўстона муносабатига ҳаммининг ҳаваси келади. Маҳаллага борсангиз, кўчаларнинг обод, саришталиги, одамларнинг очик чеҳра билан қарши олишларидан кўнглингиз яшнайди. Зеро, инсон ҳар нарсадан гўзаллик ва ҳикмат топа ола, у меҳр ва ҳурматнинг чўққисига кўтарилаверади.

Зилола РАҲМОНОВА,
Андижон вилояти.

“Айрилиқ”, “Биринчи ёр”, “Ёшлик бизни ташлаб кетади”, “Кўнглингда нима бор” номли дилтортар қўшиқлари орқали санъат шинавандалари кўнглидан жой олган хушовоз хонанда Хуршид Расулов бугунги саҳифамиз меҳмони.

Хуршид РАСУЛОВ:

«ОҚ ЙЎЛ»ЛАРНИ ОҚЛАШИМ КЕРАК!

— Хуршид ака, санъатнинг даргоҳи кенг, дейишарми. Бу соҳада эл-юрт меҳрини қозониш учун нималарга эътибор бериш керак?

— Аввало устоз кўриш керак. Бу йил 44 ёшни қоралайман, 15 ёшимдан бери шу соҳанинг ичидаман. Тажрибали устозим, Ўзбекистон халқ артисти Муроджон Аҳмедов билан бирга халқ хизматларида бўлганман. У кишининг пластинкага муҳрланган ҳар бир қўшиғини диққат билан эшитардим. Ижро усуллари йиллар давомида ўргандим. Муроджон Аҳмедовнинг олдиларида туну кун бирга бўлиб, қўшиқчиликнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштиришга, устознинг хизматларида юриб, ўз соҳам бўйича билим олишга ҳаракат қилдим. Бир куни Муроджон ака: “Сен болада иктидор ҳам, шижоат ҳам бор. Агар иккисини бирлаштириб, қийинчиликларга эътибор бермай, олга интилсанг, яхши натижага эришасан. Фақатгина қобилиятнинг ўзи билан иш битмайди. Овозингда ўзига хос ноталар бор, уни ривожлантириш, ҳеч кимникига ўхшамайдиган услубни, ўзлигингни топиш ўз кўлингда”, деган эди.

Агар мактабимизга йўлимасангиз, мени Худойим устозлар билан сийлаган экан. Ҳамма гап, энди уларнинг «оқ йўл»ларини оқлашимга боғлиқ, ана шундангина руҳлари шод бўлади.

— Техника тараққийи сабаб одамлар бир қадар яққовлашиб бораётган бугунги кунларда, ўз соҳасини пухта ўзлаштириш учун меҳнат қилиш ва захмат чекиш кераклигини ёшларнинг ҳаммаси ҳам бор моҳияти билан қабул қилмаётгандек, назаримда... Балки уста санъаткорларимизнинг, санъат мухлисларининг ёш ижодкорлардан кўнгли тўлмаётганига айнан шу нарса сабаб бўлаётгандир?

— Биз меҳнатқашликка болалигимизданок ўрганган эдик. Отам раҳматли эрта оламдан ўтган. Ака-укалар онамизга кўмаклашиш мақсадида, рўзғор каму кўстини тўлдиришни ўз бўйинимизга олдик. Меҳнат билан ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Бугун нимагаки эришган бўлсам, барчасига аста-секин, сабртоқат ва меҳнат билан етганман. Овозим устида машқ қилдим. Устозларимнинг ишончини оқлашга уриндим.

Бугунги ёшлар орасида ўз

йўналишига эга, истеъдодли қўшиқчилар сонининг ортиб бораётгани қувонарли. Аммо кечагина институтни битириб, тажриба орттирмай, кимдандир мусика ва шеър сотиб олиб, осонгина қўшиқ куйлаётганлар ҳам кам эмас. Афсуски, “юлдуз”ликка даъво қилаётган бу ёшларнинг кўпчилиги устоз кўрмаган. Бир хонанданинг услубида бир неча санъаткорларнинг ижод қилаётгани ҳам мухлислар гашига тегади. Энг ачинарлиси, бошқа мамлакатларда яратилаётган қўшиқларнинг мусикасини кўчириб, буни “хит тарона” дея тингловчиларга тақдим этишдан ҳам уялишмаяпти. Моддий маблаг ва машҳурлик ортидан қуваетган бундай хонандалар сифатсиз қўшиқлари билан неча минг йиллик тарихга эга маданиятимиз, миллийлигимизни, асрлар давомида сайқалланиб келаётган ўзбек санъати нуфузига соя солишаётганини билишармикан?! Мисол учун, машҳур рус қўшиқчиси В.Высоцкийнинг овозига тақлид қилиб, дўриллаб куйлаётган йигитларимиз билан юзма-юз сўхбатлашсангиз, уларнинг табиий овозида ҳеч қандай ўхшашлик йўқлиги дарров сезилади. Бу ҳаммаси техниканинг кучи холос. Яна бир гап, эндигина санъат оламига кириб келаётган ёшлар устоз санъаткорларнинг қўшиқларини ҳавас билан ижро этишга уринишяпти. Уларнинг айримлари халқимиз кўнглидан жой олган ижод намуналарининг оҳанги, таронаси ва ҳатто нақоратларига ҳақ ўзгартириб юборишмоқда. Аниқроғи, шеър муаллифининг сатрларига ўзидан янги сўз қўшиб, нотўғри ижро билан қўшиқни “бузишмоқда”. Менимча, юксаламан, маълум бир ютуққа эришаман деган инсон, фақат янгилик сари интилади. Кимдандир нусха олиб кўчирмайди.

Устозларимиз ҳар бир таронани узоқ ўйлаб, матн ва мусика ҳамоханлигига эътибор бериб куйлашни ўргатишган бизга. Санъаткор миллий санъатимизга озгина бўлсада ўз улушини қўшиш учун ижод қилмаса, бу йўлда янгилик яратишга интилмаса, халқ дарди, шодлиги ва қувончини ҳис этиб куйламан, у уста ижодкор эмас, бор-йўғи кўчирмачи ҳисобланади.

— Сиз ҳам катта бир оиланинг устунисиз. Фарзандлар тарбиясида кўпроқ нималарга эътибор қаратиш керак деб ҳисоблайсиз?



— Қалб ҳаловатини, яқинларимиз меҳрини фақат оиламиздагина топишимиз мумкин. Болаликдан олган тарбиямизга ҳам асосан оилада пойдевор қурилади. Турмуш ўртоғим Махлиёхон Расулова маънавий жиҳатдан менга елкадош бўлганлиги сабабли хотиржам ижод қиламан. Тинч-тотувликда ҳаёт йўллариносиб ўтаяпмиз. Худога шукр, мана, уч нафар фарзандим вояга етказдик. Ўғилларим — Сардорбек Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 2-босқич талабаси, Достонбек тадбиркор. Қизим Моҳиодахон мактабда — 9-синфда таҳсил олмоқда.

Тан олишим керак, хизмат юзасидан уйда кам бўламан. Аммо олис масофадан бўлсада фарзандларимни назорат қилиб тураман. Кимгадир тарбия бериб, ақл ўргатишдан олдин, одамнинг ўзи қилаётган ишлари билан ўрнак бўлиши керак. Қўқон шаҳридаги кадрдон ҳовлимизга ҳам тез-тез бориб тураман. Худога шукр, онажонимнинг дуоларини олсам, кўнглим яйрайди. Имконим етгунча ҳолидан хабар олиш учун водийга ҳар ҳафтада бир марта боришга ҳаракат қиламан. Бизнинг ота-онамизга бўлган муносабатимизга қараб ҳам болаларимизнинг бизга меҳри-муҳаббати шаклланади-да. Оталик улғур мартаба, улкан мавқе. Ушбу масъулиятни чин дилдан ҳис этиб, бу номга муносиб бўлиш осон эмас. Ҳар бир дилбандимнинг қизиқишлари, интилишлари юзасидан вақт топдим дегунча улар билан сўхбатлашаман. Фарзандларим ўзлари истган касбларини пухта эгаллашлари учун етарлича шарт-шароит яратишга ҳаракат қилаяпман. Ҳар қандай соҳанинг моҳир эгаси бўлиш учун энг

Гурунг

аввало, кўпроқ китоб билан ошно тутишиш кераклигини болалигидан уларнинг онига сингирдим.

— Сардорбек ўғлингиз санъат йўлини танлаганда уни фикридан қайтармоқчи бўлган экансиз? Бунинг сабаби нимада эди?

— Ташқаридан қараганда, қўшиқчининг ҳаёти фақат зебу зарлардан, ўйин-кулгудан иборатдек кўринади. Аммо бизнинг ҳам ўзимизга яраша ташвишимиз, хурсандчилик кунларимиз бор. Санъат йўлига кирган одам тирикчилик ўтказиш ёки бойлик орттириш илинжида бўлмаслиги кераклигини юракдан ҳис этганим учун ҳам ўғлим бу соҳани танлаганда, обдон ўйлаб кўриши кераклигини айтдим. Иқтидор бўлса-да, ижодкорни санъат катта меҳнат ва машаққатлар билан синашини Сардорбек яхши билади. Айни пайтда астойдил ўқиб, изланяпти. “Ижодда ўз йўлинг, услубингни топиб, ўзлигингни англашга ҳаракат қил”, деб таъкидлашдан чарчамайман. У эркин ижод қилади. Қўшиқларини биринчи бўлиб ўзим тинглайман ва камчиликларини кўрсатиб, маслаҳатларимни аямайман.

— Эсимда, сиз бундан уч йил аввал жонли ижрода концерт намойиш этган эдингиз. Бу йилги дастурингизда ўғлингизнинг ҳам саҳнага чиқиши режалаштирилаётган экан, уни жонли ижрога тайёр, деб ўйлайсизми?

— Ёшлик даврларимизни яхши эслайман, устоз хофизларнинг барчаси фақат жонли ижрода қўшиқ куйлашган. Лекин техника ривожланиши санъатга ҳам ўз таъсирини ўтказди ва ўтган 10-15 йилдан буён “фонограмма замони” давом этиб келяпти. Одамлар орасида эса аксинча, кундан-кунга жонли ижрога нисбатан маънавий талаб кучайиб бормоқда.

Ҳатто тўйларда ҳам ҳақиқий санъат мухлислари жонли ижрода куйлашимизни сўрашади. Санъаткорлар орасида Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазои това, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Турдиева, хонандалар Ўлмас Оллоберганов, Отабек Муҳаммадзоҳид ва Жаҳонгир Отажоновлар жонли ижродаги концерт дастурларини санъат мухлисларига тақдим этиб, бу йўналишда бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

Биз ҳам ўғлим Сардорбек билан жонли ижродаги концерт дастурини бирга намойиш этишни ният қилдик. Шу кунларда ўғлим жонли ижрода куйлаш сирларини кунт билан ўрганапти. Иккимиз биргаликда тинимсиз машқ қилаяпмиз. Бу меҳнатларимиз концерт дастурида ўз натижасини беради ва қўшиқларимиз мухлисларимизга манзур бўлади, деган умиддаман.

Шаҳноза ТОЖИДДИНОВА сўхбатлашди.



СУВОРИ – адабий

асарларимизда бу сўзга кўп дуч келаемиз. Унинг “суворий” шакли ҳам бор. “Сувори” сўзи отда, от уловда юриш, салт от, от минган киши, отлик аскар маъноларини ифодалайди. “Шашмақом”нинг «Бузрук» мақоми асосида яратилган куй ва ашулар ҳам “Сувор” деб аталади. “Сувор” сўзи ҳам “сувори” сўзидан келиб чиққан.

Икки суворининг қора шарпаси

Ҳамон келаберди Телбасой сари.

Асқад Мухтор

ЛАҲЗА – “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, тилимизда кўз очиб юмгунча вақт, сония секунд маъносини англатган “лаҳза” сўзининг туб илдизи “қаради” деган маънони билдирган.

Кўз очиб юмгунча ўтган дам – қиммат,

Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Фафур Фулом

КОМУС – адабиётларда, илмий манбаларда “қомус” сўзини тез-тез учратаемиз. Бу сўз тилимизда “маълум бир соҳа бўйича барча билимларни қамраб олган асар” ёхуд “энциклопедия” маъносини англатган. Хўш, “қомус” сўзининг дастлабки мазмуни қандай бўлган? “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “қомус” сўзи дастлаб “океан” маъносини билдирган, кейинроқ “луғат” мазмунини англатган.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Нилуфар РАСУЛОВА:

ДУНЁНИ БАРИБИР ЎЗАЛЛИК ҚУТҚАРАДИ!

Сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қўламдаги ислохотлар туфайли миллий тиббиётимиз сон ва сифат жиҳатдан ривожланди. Соҳага оид қабул қилинган давлат дастурларининг амалга татбиқ этилиши, соғлиқни сақлаш муассасаларининг модернизация қилиши, айниқса, мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидаги қишлоқ врачлик пунктларининг ҳам сўнгги рўсумдаги замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш савияси ва сифатини оширишга замин яратмоқда. Бунда соҳада фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор. 2004 йилдан бери фаолият олиб бораётган "Соғлом келажак" ННТ ана шундай ташкилотлар сирасига киради. Биз қуйида ушбу ташкилот раҳбари, тиббиёт фанлари номзода, шифокор дерматолог-косметолог Нилуфар РАСУЛОВА билан ННТ фаолияти хусусида суҳбатлашдик.

— Нилуфар Рустамовна, сиз кўп йиллардан бери шифокор-дерматолог сифатида амалиётда ишлаш билан бирга "Соғлом келажак" нодавлат нотижорат ташкилотини ҳам бошқариб келасиз. Айтинг-чи, бундай ташкилот тузиш гоёси сизда қачон пайдо бўлган ва ундан кўзланган асосий мақсад нима эди?


— Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тиббиёт академияси) ни имтиёзли тамомлаганимдан кейин, тақсимотда мени тери-таносил касалликлари ва дерматология илмий текшириш институтига юборишди. Бу даргоҳда ишлаш билан бирга илмий-тадқиқот устида иш олиб бориш истаги туғилди. 1999 йилда "Псориазнинг оғир турларини даволашда турли хил иммуносупрессор препаратларининг киёсий самарадорлиги" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Шу йўналишга оид илмий-назарий семинар, учрашувларда ҳамкасбларимиз, мутахассислар билан ўзаро суҳбатлар натижасида асосий фаолиятим билан бирга аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида янада жиддийроқ изланишлар олиб боришим кераклигини англаб етдим. Ниҳоят 2004 йилда тажрибали тиббиёт ходимлари, педагог, социолог, психологлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларидан иборат "Соғлом келажак" нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этдик. Мақсадимиз аҳолининг турли қатламларини соғлиқни сақлашнинг ҳуқуқий масалалари, социал-психологик реабилитация, ёшларнинг жинсий ва ахлоқий тарбияси бўйича савиясини ошириш, уларга профилактик, диагностик ҳамда ах-

борот хизматларини тақлиф этиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат эди.

— Ўн йил, албатта, кичик муддат эмас. Шу вақт мобайнида ташкилотингиз қандай ишларни амалга оширди?

— Ўтган давр ичида миллий ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида қатор лойиҳалар устида иш олиб борилди. Жумладан, Қўқон шаҳридаги 4-сонли балоғатга етмаган қизларнинг ахлоқий тузатиш колония-мактабига психологик ёрдам кўрсатиш бўйича лойиҳани амалга оширдик. Тижорат йўлида ахлоқсизлик билан шуғулланувчиларни аниқлаш ва улар ўртасида ОИТС профилактикаси бўйича зарарни камайтириш дастури устида ишладик. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, маслаҳатчилари билан ҳамкорликда ҳомилалар, умуман туғиш ёшидаги аёллар ўртасида чақалоқларни қандай парвариш қилиш, гигиена қоидалари, темир моддаси тақчиллиги туфайли камқон бўлиб қолган оналар ва болаларнинг тўғри овқатлани-

ши сингари мавзуларда учрашувлар, соҳа мутахассислари иштирокида давра суҳбатларини мунтазам ўтказиб бордик. Бундан ташқари Глобал фонднинг молиявий кўмаги билан 2005-2006 йилларда Тошкент вилояти ОИТС маркази билан ҳамкорликда маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кўмиталари, "Камолот" ЁИХ, шаҳар-туман ички ишлар бошқарма ва бўлимлари ходимлари ўртасида семинар-тренинглари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида "Она сўти билан соғлом турмуш тарзини шакллантириш", "Соғлом оила — баркамол авлоднинг асоси" ва бошқа лойиҳалар ҳам бунга



мисол бўла олади.

— Янги йилдан бошлаб бу ташкилот "Соғлом келажак" косметологияни ривожлантириш жамоат бирлашмасига айлантирилибди. Ушбу йўналишнинг косметология соҳасига ўзгартирилишига нима сабаб бўлди?

— Агар эътибор берган бўлсангиз, шахримизнинг, қолаверса, юртимиз-

нинг ҳар бир гўшасида шинам, замонавий ускуналар билан жиҳозланган гўзаллик салонлари, косметология хизмат марказлари қад ростлапти. Бу қувонарли ҳол, албатта. Демак, бу аҳолининг маънавий хизматга бўлган эҳтиёжи йил сайин ортаётганидан далolat беради. Соч турмаклаш, пардоз қилиш каби хизматларни укуви, малакаси бор уста-сартарош, услубчи бемалол кўнглидагидек бажариши мумкин, тўғрими? Аммо юздаги нуқсонларни тузатиш, юз терисини, табиати билан боғлиқ ташхисларни қўйиш, унга зарур муолажани белгилаш, кичик жаррохлик амалиётларини бажариш ҳар қандай косметологнинг қўлидан келавермайди. Қолаверса, пул тўлаб бундай хизматлардан фойдаланишни истаган истеъмолчилар борки, сифатли хизматни хошлайди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида тиббий косметология нисбатан ёш соҳалардан ҳисобланади. Бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боришга эҳтиёжнинг юқорилигини ҳамда ходимларимизнинг аксарияти ушбу соҳада ривожланган давлатларда малака ошириб, сертификат олган, кўп йиллик тажрибага эга, ихтисослашган тиббиёт косметологиясининг малакали мутахассислари эканлигини эътиборга олиб, ташкилотимиз йўналишини ўзгартирдик.

— Мақсадли режаларингиз хусусида ҳам тўхталсангиз?

— Албатта, ниятимиз эзгу ва белгиланган мақсадлар гоёлигича қолиб кетмаслиги учун янада жиддийроқ ишлашимизга тўғри келади. Айниқса, косметологлар учун мақсадли-маълумот ресурсларини ишлаб чиқиш, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш, тиббий косметологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган ўқувлар ташкил этиш, давлат ва нодавлат ташкилотлари, турли фондлар билан ҳамкорликни кучайтириш, шунингдек, тиббий косметологиянинг долзарб муаммоларини оммавий ахборот воситаларида мунтазам тарғиб этиш асосий вазифалар ҳисобланади.

Бирлашмамиз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, врачлар малакасини ошириш институти, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси, Тошкент шаҳар "Тадбиркор ва ишбилармон аёллар" жамоат бирлашмаси, тиббиётга йўналтирилган касб-хунар коллежлари, хуллас, турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишни режалаштирганмиз. Зеро, инсоннинг нафақат ички, балки ташқи олами ҳам ниҳоятда гўзал ва нафосатли бўлмоғи керак. Дунёни барибир гўзаллик қутқаради!

Назира ҚУРБОН суҳбатлашди.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Йўгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Ҳажон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелация — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.
Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз онажонимиз
Мастура УМАРОВА!

Сизни 31 март — таваллуд айёмингиз билан муборакбод этамиз. Яратгандан узок умр, соғлиқ тилаймиз. Биз ва қариндошлар бахтига доим омон бўлинг!



Турмуш ўртоғингиз Салим-жон, фарзандларингиз номидан Зилола, Зангиота Тумана, Ўртаовул кўргони

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фаргона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ТЎЙДАН КЕЙИНГИ “ТОМОША”

ёхуд кулаш арафасида турган оилани тиклашга ким ёрдам беради?

“Оила ва жамият” газетаси менинг энг яқин сирдошим ва дилдошимга айланиб қолгани учун ҳам сизларга мактуб йўлладим. Оиламда юзага келган нохуш вазиятни тўғри ҳал этишда кўпни кўрган, ёши улуг юртдошларимизнинг, намунали оилалар соҳиби бўлган нуруний отахон ва онахонларнинг маслаҳатларига муҳтожман.

Аёлим Ғулилой билан телефон орқали танишганмиз. Илк суҳбатимиздаёқ унинг менга кераклигини, тақдир йўлларимиз бир кун келиб албатта туташганини сезгандим. Умидларим пучга чиқмади. Ғулилой менинг бахтим, борлигим, ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланди. Аммо...

Келинг, ҳаммасини бир бошдан айтиб берай. Тўйдан аввал, Ғулилойнинг момоси: “Тошкент вилоятдан уй олсанггина набирамни сенга узатишга рози бўламан”, деб шарт қўйди. Севгилимга бўлган муҳаббатим туфайли, ўйлаб ўтирмай, бу шартга рози бўлдим. Бир йилдан сўнг қайтиб келиб, шу ерда уй-жой қилиб, яшашга сўз бердим. Тўйдан сўнг аёлим меҳрибонлиги, чаққонлиги, ширинсўзлиги билан ота-онамнинг меҳрини қозонди, дуоларини олди. Синглим келинойисига тикувчилик сирларини ўргатгач, иккаласи чеварлик қила бошлашди. Бир йил ўтиб, оталик бахтига муюссар бўлдим. Ҳаётимиз рисоладагидек кечаётганда.

Ғулилойнинг опаси билан укаси уйимизга меҳмон бўлиб келиши-ю, турмушимиз остин-устун бўлиб кетди. Ўша тунда тахминан соат 3:30да қайнонам: “Бобонгизнинг тоби қочиб, оғирлашиб қолди, тезда етиб келинглар”, деб кўнғироқ қилди. Аёлим улар билан йўлга отланди. Мени эса йўлдан қайтаришди, ҳатто кузатиб қўйишимга ҳам кўнишмади. Бир ойдан кейин бобонгизнинг қазо қилгани ҳақида эшитдик. Маъракалар ўтгач, Ғулилойга кўнғироқ қилиб, уйга қайтишини сўрадим. Шунда у: “Сиз тўйдан кейин Тошкент вилоятдан уй оламан, кўчиб келамиз, деб ваъда бергандингиз. Сўзингизнинг устидан чиқинг, уйингиздаги шароитга бошқа чиқолмайман”, деб жавоб берди. Ростини айтсам, турмушимиз ҳавас қилгудек бўлгани учун бу ҳақда ўйламай қўйгандим.

Дадам билан маслаҳатлашсам: “Эр қаерда бўлса, хотин ҳам ўша ерда бўлиши керак”, дедилар. Икки ўт орасида қолдим. Аёлимни олиб келиш учун дадам билан йўлга тушдик. Бориб бафуржа гаплашиб, қизим билан онасини қайтариб олиб келамиз, деб ўйлагандик. Аммо Ғулилойнинг саксон уч ёшга кирган момоси: “Уй олиб кўчиб келсанг, яшайсизлар, бўлмаса, олдимдан бир қадам ҳам жилмайди”, деб туриб олди. Тушун аҳволда қайтиб келдик. Икки ҳафтадан кейин онам билан, кейинчалик ёлғиз ўзим бориб, Ғулилойни қайтариб олиб келишга уриндим. Лекин ҳаракатларим бесамар кетди.

Мана, ўн ойдирки, на кунимда, на тунимда ҳаловат бор. Сўнги мартта борганимда қизим йиғлаб, менга талпиниб қолганди. Унинг мунчоқдек кўзлари ёшга тўлиб тургани сира хаёлимдан кетмаяпти. Фарзандимнинг отасиз қолишини, оилам бузилиб кетишини истамайман. Тўғри, тўйдан

аввал берган ваъдамни бажара олмадим. Кексайганида ота-онамни ёлғиз ташлаб кетолмадим. Илтимос, азиялар, менга йўл кўрсатинг. Оилам бузилишини истамайман.

**ОДИЛЖОН,
Қашқадарё вилояти”.**



Аёлим Ғулилой билан телефон орқали танишганмиз. Илк суҳбатимиздаёқ унинг менга кераклигини, тақдир йўлларимиз бир кун келиб албатта туташганини сезгандим. Умидларим пучга чиқмади. Ғулилой менинг бахтим, борлигим, ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланди. Аммо...

Ушбу мактубни ўқиғач, хат муаллифи билан телефон орқали боғландик. Одилжон: “Маҳалламизда ҳамма бизнинг турмушимизга ҳавас қиларди, кўлимда тайинлик касб-корим бор”, деганидан сўнг, иккинчи тараф, яъни келин — Ғулилойнинг ҳам муносабатини билиш учун телефон орқали у билан ҳам боғландик.

ҒУЛИЛОЙ:

— Турмуш қуришимиздан аввал у менга: “Нуфузли ташкилотда ишлайман”, деганди. Тўйдан кейин унинг қоровул эканлигини билдим. Майли, ёмон юмуш қилаётгани йўқ-ку, деб ёлғонини юзига солмадим. Аммо уч ойдан кейин бўшаб келди. Қайнона-қайнотам: “Бир ишнинг бошини тут”, деб кўп айтишар, ҳатто иш ҳам топиб беришарди. Лекин эрим ҳар сафар ўша жойдан айб топиб, бўшаб кетар-верар, ишлагиси келмасди. Тан-жони соғ, эс-хуши жойида бўлса. Қуни бўйи бекорчи бўлиб гоҳ уйда, гоҳ кўчада юриш йигит кишига ярашмайди-ку. Энди мени Тошкент вилоятдан уй олиши ҳам, ишга қираман, деган ваъдаси ҳам қизиқтирмайди. Сабрим тугаб, тоқатим тоқ бўлган. У билан бирга яшаш у ёқда турсин, кўришни ҳам истамайман.

**МАМЛАКАТ опа,
Ғулилойнинг опаси:**

— Ёлгон билан бошланган ҳаётнинг умри қисқа бўлади. Икки ёшнинг бир-бирига кўнғил қўйиб, турмуш қурамин, дея аҳду паймон қилишганидан хабар топиб, Тошкент вилояти билан Қашқадарё оралиги анча олис, дея тўйга қаршилиқ қилгандик. Шунда Одилжон, бир йилдан кейин шу яқин атрофдан уй олиб, кўчиб келамиз, деб ваъда берди. Унга ишониб, рози бўлдик. Ишонсангиз, тўйда куёв тараф қиладиган сарф-харажатларни ҳам ўзимиз кўтариб, каттагина қарзга ботдик.

Камбағалроқ оила бўлса керак, деб ўйлагандик-да! Ўшанда куёвимизнинг ночор эмас, аслида ишқамас эканлигини сезмаган эканмиз. Қизим олисда бўлса ҳам тинч яшаса бўлгани, деб, ваъдасини ҳам эсга олмадик.

Ўтган йили Ғулим тўнғич опаси билан Ғулилойни кўргани борганида, кечаси қайнотамнинг тоби қочиб, оғирлашиб қолди. Кўнғироқ қилиб, тезда қайтиб келишларини айтдим. Ғулилой ҳам улар билан бирга келди. Бобосининг маъракаларидан кейин уйига қайтиб кетиши кераклигини айтсам, у:

“Эрим шу атрофга кўчиб келамиз, деб бизни алдади, бу ҳам майли, ҳеч қаерда ишламаса, уйга бир сўм пул кўтариб келмаса, мен жуда қийналиб кетдим”, деб шу вақтгача ичиди сақлаб, биздан яшириб юрган дардларини тўкиб солди. Айтишича, эрининг ишқамаслиги етмагандай, яшаш шароитлари жуда оғир, уйлари зах экан. Ҳар йили кишда: “Уйимиз совуқ, болам шамоллаб қолмасин”, дея набирам билан бизниқига келиб, баҳоргача қолиб кетишининг сабабини шунда тушунгандек бўлдим.

Мен ҳам онаман, фарзандимнинг оиласи бузилиб кетишини истамайман. Момоси ҳам, дадаси ҳам менга қўшилиб, уни уйига жўнатиб юбормоқчи бўлиб турганимизда, боши айланиб, ўзини жуда беҳол сезаётганини айтди. Текширувлардан кейин унда камқонлик касаллигининг оғир тури борлиги, витаминлар етишмаслиги маълум бўлди. Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади. Ғулилойнинг ҳам эридан, оиласидан бешишига сабаблари бордир.

**Муҳаббат РАХИМОВА,
Яшнобод тумани “Оила” маркази раҳбари:**

— Файласуфлардан бири: “Адашиш ҳар бир инсонга хос сифат. Аммо адашганларнинг қайсарлиги билан ўз йўлида давом этавериши, ақлсизликдир”, деган эди. Оилада бундай можаронинг келиб чиқишига иккала ёш ҳам бирдек айбдор. Одилжон, гарчи ҳаммани ишонтирган бўлса-да, ваъдасининг устидан чиқа олмаслигини ўша вақтдаёқ яхши билган. Севганига уйланиб олиш мақсадида, “айтдим-қўйдим-да”, қабилида иш тутган. Ғулилойга келсак, телефонда тасодифан танишиб, анчагача гаплашиб юришган экан, нима учун бу ҳақда онасининг фикрини сўрамади? Қўрмаган, билмаган кишиси билан телефон орқали “ишни пишитиб” қўйди? Одам ўз тақдирига бунчалик бефарқ бўлмаслиги керак эди. Қизга сўзини ўтказма олган катталар эса, иложсиз қолиб, куёвнинг бир йилдан кел-

Хатлар ва тақдирлар

йин шу ердан уй-жой қилиш ҳақидаги ваъдасини олишган.

Ғулилойнинг гапларидан кўриниб турибдики, унинг яшаш нияти йўқлигига асосий сабаб, Одилжон тўйдан аввалги ваъдасини бажармаётгани эмас. Қизимиз бу ёлғонни кечириб бўлган. Эрининг ишсизлиги, тўғрироғи, ишқамаслиги туфайли оилада юзага келаётган муаммолар уни эзиб қўйган. Бир фарзанднинг отаси, ота-онасининг суянгани ғули бўлган бир йигитга бундай бепарволик ва дангалик ярашмайди.

Майли, бўлар иш бўлибди. Энди маҳалла фаоллари, қайвони отахон-онахонлар ва ҳар икки вилоятнинг мутасадди ташкилотлари бу муаммага аралашиб, ижобий томонга йўналқтиришмаса юртимиздаги оилавий ажримлар сони яна биттага кўпайиши мумкин.

**Махбуба ҲАМИДОВА,
юридик фанлар номзоди, республика “Оила” илмий-амалий маркази бўлим мудири:**

— Қиз бола турмушга чиқдими, эрининг измида бўлиши, шарқона менталитетимизга хос фазилат. Шунинг учун ҳам, “Борган жойингда тошдай қотгин”, деб узатилаётган қизнинг ортидан тош юмалатамиз. Ушбу оила омонат пойдеворга қурилгандай. Қиз тараф тўйга розилик беришдан аввал келажакда ҳар қандай тасодиф бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаши лозим эди. Мана энди икки ёшнинг қайсарлиги туфайли орада бир фарзанд отасиз қолиш арафасида турибди. Қизлари тўрт ёшга кирибди. Ҳадемай, эсини таниб: “Нега менинг отам йўқ, у ким, қаерда?” дея савол бера бошлайди. Агар бу қизча ҳозир тирик етим бўлиб қолса, кейинчалик ота-онаси ўзининг айбдорлигини ҳис этгани билан нима ўзгарарди? Одилжон билан Ғулилой бугун бафуржа ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўришсин. Энди улар ота-она деган мақомга эришишган, ҳалқимиз таъбири билан айтганда, “қуруқ гавдасини ўйлайдиган” ёшдан ўтишган. Оталиқнинг ҳам, оналиқнинг ҳам масъулияти бор. Улар боланинг келажакини ўйлаб, бир тўхтамага келиб олишлари керак.

**Барно МИРЗААХМЕДОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири:**

ТАҲРИРИЯТДАН:

Бизга ушбу мактубни йўллаган Одилжон ҳамда унинг аёли Ғулилойларнинг аниқ манзилларини турли мулоҳазаларга бориб ошкор этмадик. Лекин биз ушбу оила тақдирини имкони борича ижобий ҳал этиш учун улар яшаётган ҳудуддаги масъуллар билан боғланамиз.

Шу ўринда табиий равишда ҳақли савол туғилади: Хўш, тўйдан аввал икки тарафни ҳам оқ фотиҳа бериб қўллаб-қувватлаган кексалар, қайвонилар энди нега томошабин бўлиб туришибди? Тўйдан кейинги “томоша”ни жимгина кузатиб турганлар орасида уларнинг ҳам борлиги бизни ўйлантирапти. “Қушнинг ҳам уяси бузилмасин” деган ибратли гап бор ҳалқимизда. Шундай экан, бу масалага биргаликда жавоб излайлик.

Ушбу мақола Республика “Оила” илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда тайёрланди.

ҚИЗНИНГ ИШИ ҚИЙИН ЭКАН

Оилада беш қизимиз. Тўнғич опамни узатганмиз. Қолганларимиз ҳозирча уйдаммиз. Бу ҳақда айтиб, оиламиз дардини кўпчиликка ёйиш қиз бола учун уятдир, балки! Бирок ота-онамиз кексайиб қолишяпти. "Қизларимизни ўқита олмадик, сепини йиғишга кўлимиз калталиқ қилди", деб эзилиб ўтиришганини кўрсак, кўзларимиз ёшланади. Минг шукурки, тўрттовимизнинг ҳам кўлимизда хунаримиз бор. Уй-рўзгор ишлари, пазандачилиқ борасида укувимиз баланд. Лекин эшиқ тақиллатиб, бахтнинг ўзи кириб келмаса, қийин экан.

Зулфия опам яқинда **40 ёшга** қиради. Яна биз уч сингиллар ҳам орзу-ҳаваслар ичра бахтимизни кўтиб юрибмиз. Биз ҳақимизда бирор маълумот олишни истовчилар бўлса, тахририятга мурожаат қилишларини сўраймиз.

**МАВЛУДА,
Сирдарё вилояти.**

ЎЗИМИЗНИ ЭМАС, ҚИЗИМИЗНИ ЎЙЛАЯПМИЗ

Турмуш ўртоғим билан дунёкарашимиз, орзу-ҳавасимиз бир хил. Оилавий муаммоларни доимо бамаслаҳат хал қилганмиз. Бир кам дунё, деганларидек, ўн йил фарзандсизлик азобида яшадик. Илк мартаба тегиригига борганимизда шифокорлар менинг хасталигимни айтишди. Даволатиш жуда қийин кечди. Чунки у вақтларда тиббиёт ҳозиргидек ривожланмаган эди. Ўттиз икки ёшимда бизни Яратган ўз инояти билан сийлади. Ўғлим Умиджон, бир йилдан кейин эса қизим Мўътабар дунёга келди. Уйимиз файзу баракага тўлди. Фарзандларимизнинг қадами кутлуг келиб, ўша йили эримнинг ишлари юришиб кетди, каттагина иморат солдик, машина олдик...

Ўтган йили келин туширдик. Жуда меҳрибон, кўл-оёғи чакқонгина. Ўғлимнинг оиласидан хотиржаммиз. Лекин негадир қизимга оғиз солаётганлар жуда кам. Унинг ҳам бахти очилиб кетса, деган умиддамиз.

Мўътабар **26 ёшда**. Маълумоти ўрта-махсус. Яхши бир хонадоннинг сариштали келини бўлишини истаймиз.

**САНОБАР опа,
Жиззах вилояти.**

“Бахтли бўлинг” саҳифаси



САРИШТАЛИ БЕКАНИ КУТАЯПМИЗ

Моҳиниша билан бир қиз ва икки ўғилни тарбиялаб, вояга етказдик. Қизимиз Шаҳнозанинг бўйи етиб, уйимизга совчилар кела бошлаган пайтда хотинимнинг тоби қочиб, боши айланадиган бўлиб қолди. Текширувлардан кейин ундаги хасталиқ жигар циррози эканлиги маълум бўлди. Даволатишга ҳарчанд уринмайлик, аҳоли оғирлашиб бораверди. Шаҳнозанинг тўй кунига икки ҳафта қолганида... аёлимдан айрилиб қолдик. "Қизимнинг никоҳ кечасида кияман", деб чиройли қўйлақ ҳам олиб қўйгани раҳматли. Маъракалардан кейин тўйни кечиктирмай ўтказиб юбордик. Яқинда набиралиқ ҳам бўлдим. Ҳозир икки ўғлим билан бирга яшаймиз. Аёли йўқ хонадоннинг аҳоли қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Катта ўғлим коллеж битирувчиси, кичиги тўққизинчи синфда ўқийди. Уларга меҳрибон она, менга елкадош ҳамроҳ керак. Бу ҳақда фарзандларим билан маслаҳатлашганим розилиқларини айтишди. **Ёшим 47 да**. Қашқадарё вилоятида яшовчи қирқ беш ёшгача бўлган аёлга уйланмоқчиман. Битта фарзанди бўлса ҳам майли.

**ЮНОС ака,
Қашқадарё вилояти.**

БАХТНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Наргиза уч қизимнинг кенжаси. Опаларини кетма-кет узатганмиз. Иккаласи ҳам кўшни маҳаллага келин бўлиб тушган, бахтли яшашяпти. Кўп ўтмай, кенжа қизимизга ҳам совчилар кела бошлади. Лекин у пайтларда тўй харажатлари билан бўлиб, бироз қийналиб қолгандик. Шунинг учун совчиларга ҳозир кўлимиз калтароқ, кейинроқ узатамиз, деб рад жавобини беравердим. Кейин эса катта қизларим фарзандлик бўлишди. Бешиқ тўйлар қилдик. Хуллас, ўзимиз билан овора бўлиб, Наргизанинг тақдирига бепарво бўлдик. Вақт эса шу даражада шафқатсиз эканки, ана-мана дегунча қизим тенгилар бир-иккитадан фарзандлик ҳам бўлишга улгуришди.

Барибир, бир ёғи ўзбекчилик, дегандек, қизи борларга осон эмас. Айниқса, ҳозирги пайтда одамлар тоифаларга қараб бир-бирлари билан куда-анда бўлишяпти. Шунинг учун охири сизларга мурожаат этишга жазм қилдим. Наргиза **30 ёшда**. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. Қўшимча хунарлари ҳам бор. Тўғриси, меҳнатсевар йигит учраса, қувв қилардик.

**ВАСИЛА опа,
Тошкент шахри.**

ФАРЗАНДЛАР ҲАМ ЎЗ ЙЎЛИГА

Турмуш ўртоғим билан йигирма тўрт йил бирга ахил-иноқ яшадик. Икки қиз ва бир ўғилни вояга етказиб, уйли-жойли қилдик. Эрим жуда меҳнатқаш, оилапарвар инсон эди. Оғир хасталикка чалиниб қолгач, роса даволатдик, барибир фойдаси бўлмади.

Турмуш ўртоғимдан ажралганимдан кейин опаларим: "Ҳали ёшсан, совчи чикса қайтармагин, ёлғизликнинг ёвузлиги кўп бўлади", дейишганди. Ўша пайтда бундай гаплар мен учун ортиқча эканлигини сезиб, бу ҳақда қайта оғиз очимшди. Ўша воқеаларга ҳам мана ҳаш-паш дегунча яқинда олти йил тўлади. Ёлғизлик нима эканлигини энди тушуняпман. Ўғил ҳам, қиз ҳам ўз йўлига экан. Баъзан юрагим сиқилади, ҳеч қаерга сиймай қоламан. Яқинда тутилган кунимни нишонлаш учун ҳамма фарзандларим уйимизда йиғилишди. Шунда икки қизим олдимга келиб: "Сиздан хавотирдамиз, зеркиби қолясиз, дадамнинг ўрнилари жуда билин-япти. Яхши инсон учраса, йўқ деманг, турмушга чикинг", дейишди. Умр оқар дарё, дейдилар. Бугунги кун қайтиб келмайди. Ўзим ҳам шу ҳақда ўйлаб, фарзандларимга айтишга истихола қилиб юргандим.

Ёшим **50 да**. Фарзандларидан тинган, бамаъни инсон учраса, хабар қилсангизлар.

**ШОҲИСТА опа,
Сурхондарё вилояти.**

УМРИ БЕФАЙЗ ЎТМАСИН

Онам қутилмаганда қазо қилиб қолганида кенжа укам Абдуқодир уч ёшда эди. Ордан кўп вақт ўтмади, бир ёқда норасида фарзандларининг етимлик азобини тартаётгани, бир ёқда эса ўзининг ёлғизлиги қолгани туфайли дадамнинг юраги ҳам бу кўргуликларга бардош беролмади — олти ой деганда у киши ҳам дунёдан ўтиб қолди.

Мен билан опамни холам, икки укамни эса тоғам ўз фарзандларидан катта қилишди. Опамни сўраб совчилар кела бошлаганида укаларим дарсдан кейин ишлаб бўлса-да, тўй харажатларига ёрдам беришди. Бир йилдан сўнг мен опамга овсин бўлдим. "Тоғамизга оғирлигимиз тушмасин", деб укаларим тинимсиз меҳнат қилар, тўғрироғи, улар биз учун яшаётгандек эдилар. Катта укам Носиржон 36 ёшда уйланди. Ҳозир уч нафар фарзанднинг отаси. Кенжамиз Абдуқодир эса бу йил **50 ёшга** қиради. Халигача оила қургани йўқ. Маҳалла-кўй ичида укаларимнинг матонатига ҳавас қиладиганлар кўп. Аммо "Эркак киши вақтида оила қурмадим, демек бир гап бор", дея пичинг қиладиганлар ҳам учраб туради. 30-35 ёшлиқ вақтларида ўзининг ҳам ўйла, ёлғизлик ярашмайди, кексайганимда бунинг жабрини кўриб қолмагин, деганимда, у: "Насиб қилгани учраб қолар, сизларнинг қулиб юрганнингиз ҳам менинг бахтим-да", дерди. Шукурки, ҳозирда бахтли оилалардан биримиз. Лекин бизни деб Абдуқодирнинг умри шу алфозда ўтиб кетишига индамай қараб туролмайман. Бир оқила аёлга уйланиб, ярим оқилга бут бўлса, деган умиддаман.

**ФЕРУЗА опа,
Тошкент вилояти.**

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла фуқаролар йиғинидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашлардан бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. «Оила» бўлимида 60 ёшгача бўлган фуқароларга хизмат кўрсатилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:


(8-371)234-25-46



ОДДИЙ ШАРЛАР УЧУВЧИСИ

Ўтган сафар биз сизга шарлардан ясалган уй ва унинг ичидаги жиҳозлар ҳақида ҳикоя қилгандик. Бугунги маълумотимизнинг мавзуси ҳам шарлар билан боғлиқ.

АҚШлик Жонатан Трапп Ла-Манш бўғози узра пуфлама шарлар ёрдамида учиб ўтган дунёдаги биринчи одам ҳисобланади. Аммо у ушбу на-



тижа билан чегараланиб қолмоқчи эмас. Унинг навбатдаги мақсади — 365 та шар ёрдамида Атлантика океани устидан учиб ўтиш.

Жонатан ўз мақсадига эришиш учун гелий билан тўлдирилган 365 та шар ҳамда ҳаво билан тўлдирилган баллон қайиқни ҳозирлаб қўйган. Унинг режаси тўла амалга ошиши учун 300 минг доллар маблағ керак бўлади. Жонатан бу пулларни гелий газини ва ультрабинафша нурларга дош бера оладиган шарларни сотиб олишга сарфлайди. У ўзининг бу гоёси билан йирик жамоат компаниясига мурожаат қилиб, ўз шахсига нисбатан уларда катта қизиқиш уйғота олди. Тезда танилиб кетган Жонатан, ҳатто, интернет орқали ҳам пул тўплай бошлади. Ҳозирнинг ўзида мазкур саёхат учун 170 минг доллар маблағ "тиқиб" бўлинди.

Атлантика океанини оддий мосламаларда учиб ўтишга уринишлар олдин ҳам кўп бўлган. Аммо, халигача ҳеч ким бу ишни муваффақиятли яқунламаган. Бундай қизиқувчан сайёҳ-учувчилардан беш нафари ҳалок бўлишган.

2010 йилда Ж.Трапп бир-бирига боғланган шарлар ёрдамида Англиядан Бельгияга қадар учиб, янгиликлар қахрамонига айланган эди.

Жонатан ўзи яшаб турган Шимоллий Каролина штатидаги Ралей шаҳрида қайиқ бошқаришни ўрганиш учун махсус курсларга қатнади. Ахир, океанга қулаб тушса, унга осон бўлмаслиги аниқ-ку. Йигитнинг ўзи ҳам ультрабинафша нурлардан химоя қилувчи махсус костюмда бўлади. Зарурат туғилганда уни ечиб, ўрнига гидрокостюм кийиб олиши мумкин. Меъридан ортиқ баландликка кўтарилганда эса килородли никоҳ тақиб олади.

Дарвоқе Жонатан бу усулда Альп тоғларини ошиб ўтиш бўйича энг узоқ масофа ва энг кўп шарлар натижаси билан ҳам рекорд ўрнатган.

**Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.**

Айш, Навоий неча дилкашдурур,
лек адаб бирла ҳаё хушдурур.
Алишер Навоий

КИМ ҚИЛМАГАЙ, КИМ ТОПМАГАЙ

Кўп кузатиладиган ҳолат: турмуш чорраҳаларида, ҳаёт синовларида учраётган турли хил оилавий ҳамда маиший муаммолар таҳлил этилганда аксарият ҳолларда билиб-билмай, энг аввало, хотин-қизларимизни нишонга оламиз. Фарзанд тарбиясидан тортиб, уйдаги барча каттаю-кичик ташвишларда уларни айбдор қиламиз. Ҳар хил ваз-баҳоналар соясида оилавий можародан бошлаб суд ажри-мигача аёлга минг хил айбларни ағдараверимиз. Кечагина келин олган қайнона олти ой ўтар-ўтмас, дастурхон бошида сўроқни бошлайди: "Қизим, бирор янгилик йўқми?" Жимликка жавобан: "Ўзим дўхтирга олиб бораман, уйдагиларингиз кўрсатмаган-да" дейди киноя оҳангида. Аслида-чи, келин соппа-соғ, лекин, минг афсуски, тирикчилик ваҳидан совуқ ўлкаларда шамоллаб келган жондай ўғлидан айб қидирмайди. Нега? Чунки бизнинг аксариятимиз фарзанд кўришга ҳали тайёр бўлмаган қизни ёхуд қўлида бирор касб-хунари бўлмаган эркатой ўғлимизни орзу-



ди. Бундай нохуш ҳолатлар кейинги йилларда кўп учраётгани боис шу мавзуга тўхталаямиз.

Оддий мисол: ҳали ўзи катта ҳаёт бўсағасида турган, меҳнат қилиб оила боқиш у ёқда турсин, ҳатто ота-онанинг қўлига қараб ўтирган айрим йигитларимиз (уларнинг аксари коллеж ўқувчиси ёки олий ўқув юртининг илк босқич талабалари) ўзларини бир юмалаб вояга етган деб

ҳисоблаб, баъзи ишонувчан қизларни алдаб-авраб тўйгача қоп-қоп вадаларни беришади. Орадан кўп вақт ўтмасдан, ҳалиги гап-сўзлари "полвон" йигитча ғойиб бўлади-қолади. Қарабсизки, бу ёқда соддадил қизларимиз алданганини англаб, кўз ёш тўкиб юраверишади. Яширмайлик, ана шундай маънавий ахлоқсизлик кўринишлари ортидан таълим даргоҳларида кўнгилсиз воқеалар ҳам содир бўлмоқда. Биламиз, ўғил болаларга қараганда қизлар муҳаббатни анча жиддий қабул қилишади ва ўзларига аталган "оҳ-воҳ, севдим-қуйдим"ларга чиппа-чин ишониб, алданганини сезмай қолишади. Энг ёмони, ана шундай "севгисотар" товланмачилар касридан, яъни кўнгилчан қизларни алдаш ва масҳара қилиш оқибатида айрим хонадонларга совчилар бориши ҳам чекланади. Очиғи, маънавий носоглом оилавий муҳитда тарбия кўрган йигитлар наздида бундай қалтис қадамлар гўёки эркакка ярашармиш. Афсуски, ана шундай ақли ноқис гумроҳлар ёшлигида ўйла-масдан қўл ураётган гуноҳ ишлари эртага унинг ўзига минг карра каттароқ фожеани бошлаб келишини билишармикан?

"Ким қилмагай — ким топмагай" деган ҳикмати ибора бежиз айтилмаган. Ор-номус, ифбат ва гурур ҳисси, фақат аёл зоти учун эмас, балки ҳар иккала жинс вақилига ҳам ҳеч қандай ўқ ўтмас мустаҳкам қалқондир.

Шафота ЖўРАҚУЛОВА,
журналист.
Навоий вилояти.

МЕРОСХЎРЛАР БЕШ ТОИФА

Амаким 80 ёшларида казо қилди. У даярли ҳамма фарзандларини уйли-жойли қилиб, кейинги пайтда ўзи курган уйда ўртанча ўғли билан яшаётган эди. Уй-жойини ҳаётлик вақтида ҳеч кимга мерос қилиб қолдирмаганини яқинда эшитдим. Энди у кишидан қолган мулкларга кимлар меросхўр бўлиши мумкин?

К. Эргашев.

Табиики, бундай ҳолатда мерос қонунда белги-ланган тартиб бўйича амакиннинг ортида қолган барча фарзандлар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади. Мерос ҳуқуқига эгалик қилиш учун мулк жойлашган тумандаги нотариал идорага ворислик ҳуқуқини берувчи ёзма ариза билан мурожаат қилинади ва унда барча меросхўрларнинг исм-шарифлари кўрсатилиши шарт. Фуқаролик кодексининг 1135-1139 моддаларига кўра, бешта даражали, яъни мерос қолдирувчининг фарзандлари, шунингдек, фарзандликка олинганлар, хотини (эри), унинг вафотидан сўнг дунёга келган болалари (1); туғилган опа-сингил, ака-укалар, шунингдек, ота (она) бир, она (ота) бир бўлган ака-укалар, опа-сингил, ота ва она тарафидан бобо, бувиси (2); туғилган амаки, хола, амма, тоға (3); бобосининг отаси яъни катта бобо ва буви (4); мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар (фарзандлари, қариндошларидан бири) (5) меросхўр ҳисобланади.

Саволга Самарқанд шаҳар
3-сон ДНИ нотариуси
Лола НАРЗУЛЛЕВА жавоб берди.

ҚАЙД ЭТИШ МАЖБУРИЙ

Кўёвим Самарқанд вилояти Тойлок туманида, қизим Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида доимий рўйхатда туради. Уларнинг расмий никоҳи Самарқандда қайд этилган. Кўёвим Москвага ўқишга кетганлиги сабабли шахсини тасдиқловчи ҳужжати ўзида. Қизим эса фарзандлик бўлиш арафасида турибди. Неварамга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома Тошкент шаҳридан олсам бўладими, отасининг паспорти йўқлиги муаммо туғдирмайдими?

М. Исмоилова.

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 205-моддасига асосан: Болаларнинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида бир ой муддат ичида амалга оширилади.

Ушбу кодекснинг 206-моддасида, боланинг туғилиши унинг туғилганлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома, ота-онанинг оилавий ҳолати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қайд этилади, деб белги-ланган.

Набиралик бўлсангиз, қизингизнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини ва никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳномани ҳамда бола туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотномани олиб, қизингиз доимий рўйхатда турган жойдаги ФХД бўлимига мурожаат этишингиз мумкин.

ФХД бўлими бола туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувини қайд этиб, сизга туғилганлик ҳақида гербли гувоҳномани ҳамда сугурта кассасига топшириш учун маълумотнома беради.

Саволга Тошкент шаҳар Олмазор тумани
ФХД бўлими инспектори
Дилфуза ХАЛМУХАМЕДОВА жавоб берди.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ЕВРОПА ЛИГАСИ ҒОЛИБИ ЕЧЛ ЙЎЛЛАНМАСИГА ЭГА БЎЛАДИ

УЕФА Ижрокўми 2015/16 йилги мавсумдан бошлаб Европа Лигаси ғолиби Чемпионлар лигаси йўлланмасига эга бўлиши борасида расман қарор қабул қилди.

Бундан ташқари, ҳар икки мусобақа учун ягона мукофот жамғармаси тузилади. Жамғармадаги пуллар маълум тамойилларга асосан клублар ўртасида тақсимланади.

Бундай молиялаштириш ҳар икки мусобақада иштирок этадиган клубларга қўшимча иштиёқ бағишлаши кутилмоқда.

БОКС ТАРИХИДАГИ ЭНГ ҚИММАТ ЧИПТА

2 май куни Лас-Вегасда кичик Флойд Мейвезер – Мэнни Пакьяо ўртасида бўладиган жанг чипталари нархи эъло қилинди. Бу бокс тарихидаги энг қиммат нарх дея эътироф этилди.

Ушбу жангни тўғридан-тўғри томоша қилишни хоҳлаган мухлислар энг камида 1500 доллар сарфлашлари керак. Агар беллашуви олдинги қаторларда кўрмоқчи бўлсангиз, чипта учун рингга кўтарилиши зарур, дея хабар беради Daily Mail нашри.

Эслатиб ўтамиз, 2 май куни боксчилар ярим ўрта вазн тоифасида WBA, WBC ва WBO (66,6 кг.гача) камарлари учун рингга кўтарилишади.

Келишув шартларига кўра, Мейвезернинг гонорари 150 миллион долларни ташкил этса, Пакьяо 100 миллион доллар олади. Шунингдек, шартномага биноан реванш жанги кузда бўлиши мумкин.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН!

1996 йилда Тошкент шаҳар 17 ХТБЮ томонидан Турсунов Рус-тан Бурхонвич номига берилган 7098-сонли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.


11.09.2013 йилда Самохвалов Анатолий Григорьевич номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан берилган шаҳар йўловчилар транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи O'zR №004380-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темуру кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон Мусурмонова
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳихлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 336. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 7791. Баҳоси келишилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5